

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 3 » декабря 20 18 у.

№ 977

Toshkent sh.

**Геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни  
бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишнинг шаффоф механизмларини белгилаш йўли билан қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беришни амалга оширади.

2. Геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш тартиби ҳақидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2019 йилнинг 1 мартидан бошлаб амалга киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бир ой муддатда:

ўзи қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштиради;

ушбу қарорнинг мақсади, мазмуни ва амалий аҳамиятини тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг ёритиш бўйича тадбирларнинг ташкил қилиниши ва ўтказилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси А.Х.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “3” декабрдаги 977 -сон  
қарорига 1-илова

**Геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш тўғрисидаги  
қарорни бериш тартиби ҳақида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом геодезия ва (ёки) картография ишларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ариза берувчи** – геодезия ва (ёки) картография ишларини бажарувчи юридик шахс;

**геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор** (кейинги ўринларда рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор деб аталади) – юридик шахсга рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган геодезия ва (ёки) картография ишларини бажариш ҳуқуқини берувчи рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат;

**экспертиза** – геодезия ва (ёки) картография ишларини лойиҳалашда аввал яратилган геодезия ва картография материалларидан фойдаланилишини ҳамда техник лойиҳаларнинг (дастурларнинг) уларни ишлаб чиқиш ҳамда геодезия ва картография ишларини бажариш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан техник лойиҳаларни (дастурларни) кўриб чиқиш.

3. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор Инспекция томонидан фақат геодезия ва картография фаолиятига тўлиқ ёхуд унинг қисмига (алоҳида иш турларига) лицензияга эга юридик шахсларга ушбу Низомнинг 1 ва 2 - иловаларидаги схема ва шакл бўйича берилади.

4. Қуйидаги давлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишлари турлари рўйхатдан ўтказилади:

а) геодезия ишлари:

гравиметрик аниқлашлар;

давлат геодезия планли ва баландлик тармоқларини яратиш, ривожлантириш ва иш ҳолатида сақлаб туриш;

Ерни масофадан туриб зондлаш;

геодинамик тадқиқотлардаги геодезик аниқлашлар;

1:10000, 1:25000 масштабли топографик ва махсус съёмкалар;

б) картография ишлари:

1:10000, 1:25000, 1:50000, 1:100000, 1:200000, 1:500000, 1:1000000  
масштабли топографик тархлар ва хариталарни график, рақамли, фотографик  
шаклларда тузиш ва чоп этиш;

умумгеографик, сиёсий-маъмурий, илмий-маълумот ва бошқа тематик  
хариталар, тармоқлараро аҳамиятга эга атласлар, картографик ўқув  
қўлланмаларини график, рақамли, фотографик шаклларда тузиш ва чоп этиш;

давлат аҳамиятига молик география ахборот тизимларини яратиш  
ва юритиш.

5. Қуйидаги махсус аҳамиятга молик геодезия ва картография ишлари  
турлари рўйхатдан ўтказилади:

а) геодезия ишлари:

махсус аҳамиятга молик геодезия планли ва баландлик тармоқларини  
яратиш;

1:500 (зичлаштириш тармоқлари ривожлантирилган тақдирда), 1:1000,  
1:2000, 1:5000 масштабли топографик ва махсус съёмкалар;

ерларни марзалаш, давлат кадастрларини юритиш, геология  
ва маркшейдерлик ишларидаги геодезия ва топография ишлари;

муҳандислик қидирувларидаги геодезия ва топография ишлари;

турли иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланишдаги  
муҳандислик-геодезия ишлари (зичлаштириш тармоқлари ривожлантирилган  
тақдирда);

азрөсьёмка ишлари, жумладан, учувчисиз учиш аппаратларидан  
фойдаланган ҳолда;

геодезия ва топография мақсадларида лазерли сканерлашлар;

2) картография ишлари:

1:200, 1:500, 1:1000, 1:2000, 1:5000 масштабли топографик тархлар  
ва хариталарни график, рақамли, фотографик шаклларда тузиш ва чоп этиш;

тематик хариталар ва атласларни график, рақамли, фотографик шаклларда  
тузиш ва чоп этиш;

махсус аҳамиятга молик география ахборот тизимларини яратиш ва юритиш.

6. Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги қарорни расмийлаштириш қуйидаги  
иш турларига талаб этилмайди:

қурилиш объектларини жойида белгилаш, бино, иншоотлар ўқлари  
ва муҳандислик коммуникациялари чизиқларини жойига чиқиб белгилаш бўйича  
геодезия ишлари;

1:500 масштабли (зичлаштириш тармоқлари ривожлантирилмаган тақдирда)  
топография-геодезия ишлари, майдони 25 га миқдоргача бўлган 1:1 000 масштабли,  
майдони 100 га миқдоргача бўлган 1:2 000 масштабли ишлар ҳамда  
10 километргача узунликдаги ва кенлиги 300 метргача бўлган турли масштабдаги  
чизиқли қидирув ишлари;

қурилиш объектларини жойида белгилаш учун геодезия асосини яратиш  
ишлари;

қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа ва қурилиш нормаларига мувофиқлигини текшириш мақсадида геодезик ўлчашлар ҳамда янги қурилган бинолар ва уйларнинг жорий съёмкалари;

бажарилган кон ва бошқа ишлар ҳажмини уларга ажратилган ерларда ҳисоблаш юзасидан текшириш ишлари;

фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш бўйича фаолият кўрсатаётган ва қурилатган корхоналарнинг маркшейдерлик таъминоти (уларга ажратилган ерларда) билан боғлиқ топография-геодезия ишлари;

таълим муассасаларида талабалар амалиёти тартибида бажариладиган геодезия ва картография ишлари, агар улар ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлмаса;

турли иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланишдаги муҳандислик-геодезия ишлари (зичлаштириш тармоқлари ривожлантирилмаган тақдирда).

7. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорнинг амал қилиш муддати чекланмайди.

### **2-боб. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар**

8. Геодезия ва картография ишларини амалга оширишда рухсат беришга доир талаблар ва шартларга қуйидагилар киради:

ариза берувчининг геодезия ва (ёки) картография фаолиятини амалга ошириш учун лицензия келишувида назарда тутилган геодезия ва (ёки) картография ишларини бажариш учун ҳужжатларни тақдим этиш;

давлат сирларини ва (ёки) қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳужжатларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

геодезия ва (ёки) картография ишларини режалаштиришда аввал яратилган геодезия ва картография материаллари ва маълумотларини ишлатишнинг тўлиқлиги;

геодезия ва картография маҳсулотларига қўйиладиган талабларнинг таъминланиши.

### **3-боб. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

9. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни олиш учун ариза берувчи қуйидаги ҳужжатларни Инспекцияга тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни олиш ҳақида ариза;

б) Инспекция томонидан рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш ҳақидаги аризанинг кўриб чиқилиши учун ва рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш учун йиғимларни тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

в) қуйида келтирилган маълумотлари бор геодезия ва картография ишларини бажаришга техник лойиҳа (дастур):

техник лойиҳа (дастур) ишлаб чиқиш учун асос бўлган техник топшириқ ва техник шартлар;



иш объектининг номланиши, буюртмачи тўғрисида маълумотлар, молиялаштириш манбалари, ишларни бажариш муддатлари;

иш объектининг табиий-географик хусусиятлари ва жойлашган жойи;

объектнинг геодезик, топографик, аэрокосмик ва картографик ўрганилганлиги (ўрганилганликнинг тегишли бўлими режалаштирилаётган иш турларига биноан танланади);

режалаштирилаётган иш ҳажми ва турлари, амалга ошириш технологияси тавсифи;

объектда ишни ташкил этиш ва тугатиш тадбирлари;

меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги;

ишларни текшириш ва қабул қилиш тартиби;

ишларни бажариш графиги;

ишларни амалга ошириш сметаси ва техник-иқтисодий ҳисоблари.

Мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг ариза берувчидан талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

10. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш учун зарур бўлган ҳужжатлар Инспекцияга бевосита, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали, тақдим этилади. Ҳужжатлар Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Инспекциянинг расмий веб-сайти ҳамда давлат органларининг ариза берувчилар билан ўзаро ҳамкорлигини масофадан таъминловчи бошқа тизимлар орқали электрон шаклда тақдим этилган тақдирда улар электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

11. Инспекцияга рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади ва ушбу рўйхатнинг нусхаси ҳужжатларни қайси санада қабул қилганлик тўғрисидаги белги билан ариза берувчига зудлик билан тақдим этилади (юборилади). Ҳужжатлар Давлат интерактив хизматлари портали орқали электрон шаклда тақдим этилганда, уларнинг рўйхати фойдаланувчининг Давлат интерактив хизматлари порталидаги, Инспекциянинг расмий веб-сайтидаги шахсий кабинетига ҳамда давлат органларининг ариза берувчилар билан ўзаро ҳамкорлигини масофадан таъминловчи бошқа тизимлар орқали тақдим этилади.

12. Инспекция рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш учун зарур бўлган қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизимининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базасидан мустақил равишда олади:

ариза берувчининг тўлиқ ва қисқача номланиши;

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

давлат рўйхатидан ўтган сана ва рақами;

ариза берувчининг почта манзили;

юридик шахснинг ҳолати (фаолият юритяпти, тугатилган, тугатилиш жараёнида);

юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли тўғрисида маълумотлар;

йиллик статистик ҳисобот бўйича фаолияти асосий турининг коди.

13. Идоралараро информацион ҳамкорлик доирасида тақдим қилинадиган маълумотнинг ўз вақтида ва тўғрилигига, жумладан, ушбу маълумотга асосланиб Инспекция томонидан қабул қилинган қарор оқибатларига ваколатли органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

#### **4-боб. Аризани кўриб чиқиш ва рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

14. Рўйхатга олиш тўғрисида қарорни бериш тўғрисидаги аризининг Инспекция томонидан кўриб чиқиши техник лойиҳалар (дастурлар)ни экспертизадан ўтказишни ўз ичига олади.

15. Экспертиза ўтказиш учун Инспекция шартнома асосида ҳолис мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

16. Геодезия ва (ёки) картография ишларини бажаришга техник лойиҳа (дастур)лар экспертизаси натижаси бўйича ушбу Низомнинг 4 ва 5-иловаларида келтирилган шакл бўйича эксперт хулосалари расмийлаштирилади.

17. Ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳужжатларни қабул қилиш санасидан ўн иш кунидан ошмаган муддатда Инспекция ариза берувчининг аризасини кўриб чиқади ва рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беради ёки рад этади.

18. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун ушбу Низомнинг 6-илоvasи бўйича аниқланадиган миқдорда йиғим олинади. Йиғимлар суммаси Инспекциянинг ғазначилиқдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Йиғимлар суммаси рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларни қоплашга, жумладан Инспекция ходимларини моддий рағбатлантиришга сарфланади.

19. Ижобий эксперт хулосаси рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш учун асос ҳисобланади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида йиғим олинади. Йиғимлар суммаси Инспекциянинг ғазначилиқдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беришга тўлов ижобий эксперт хулосаси тайёрлангандан кейин амалга оширилади, бу ҳақда аризачи барча имкони мавжуд алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ишларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва рўйхатга олганлик тўғрисидаги қарорни бериш учун йиғим олинмайди.

21. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорнинг берилиши учун олиннадиган йиғимлар суммаси рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга сарфланади.

22. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор икки нусхада тузилади ва Инспекция бошлиғи томонидан, у бўлмаган тақдирда Инспекция бошлиғи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорнинг бир нусхаси ва эксперт хулосаси аризачига белгиланган тартибда электрон почта воситасида, почта алоқаси воситасида, Инспекция расмий веб-сайти ҳамда давлат органларининг ариза берувчилар билан ўзаро ҳамкорлигини масофадан таъминловчи бошқа тизимлар орқали юборилади ёки ариза берувчининг ўзи ҳозир бўлганда, ҳужжатларни унга бериш орқали тақдим этилади, иккинчи нусхаси эса уларнинг ҳисобини юритиш учун Инспекцияда қолади.

23. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беришни рад этиш учун куйидагилар асос бўлиши мумкин:

мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг ариза берувчи томонидан тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаслиги;

рухсат беришга доир талаблар ва шартларга ариза берувчининг мувофиқ эмаслиги;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ва нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;

техник лойиҳа (дастур) юзасидан асосланган салбий экспертиза хулосасининг берилиши;

аввал бажарилган ишлар бўйича материаллар ва маълумотларнинг Давлат картография-геодезия фондида йиғилиши лозим бўлганларини ушбу ишлар тугагандан кейин уч ой ичида Инспекцияга тақдим этмаслик.

Йиғилиши лозим бўлган материаллар ва маълумотлар рўйхати ва Давлат картография геодезия фондида йиғиш тартиби Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастрлари давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беришнинг бошқа асослар, жумладан мақсадга мувофиқ эмаслигини важ қилиб, рад этилишига йўл қўйилмайди.

24. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беришни рад этиб қарор қабул қилинган ҳолларда рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб тақдим этиш мумкин бўлган муддат кўрсатилган рад этиш тўғрисидаги хабарнома ёзма шаклда ариза берувчига юборилади (қўлига берилади). Рад этиш сабабларини бартараф қилиш ва ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган муддат рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома ёзма шаклда олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ариза берувчи Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Инспекциянинг расмий веб-сайти ҳамда давлат органларининг ариза берувчилар билан ўзаро ҳамкорлигини масофадан таъминловчи бошқа тизимлар орқали мурожаат қилганда рад этиш тўғрисидаги хабарнома ариза берувчининг аризаси қайси усуллар ва воситалар билан келиб тушган бўлса, ўша усуллар ва воситалар билан юборилади.

25. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар ариза берувчи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилган

ҳолларда техник лойиҳа (дастур)ни қайта кўриб чиқиш, рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш ёки рад этиш рад этиш сабабларини бартараф этганлиги тўғрисидаги аризани ва рад этиш сабабларини бартараф этганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни олган кундан бошлаб Инспекция томонидан уч иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади. Ариза берувчининг аризасини қайта кўриб чиқиш учун йиғим олинмайди.

26. Ҳужжатларни қайта кўриб чиқишда Инспекция томонидан аввал ёзма шаклда ёритилмаган рад этиш сабабларини, аввал кўрсатилган сабабларни бартараф этишни тасдиқлайдиган ҳужжатларга боғлиқ сабаблар бундан истисно, келтирилишига йўл қўйилмайди.

27. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабарномада кўрсатилган муддат ўтиб кетгандан кейин ариза берувчи томонидан берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланиб, Инспекция томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

28. Тегишли қарор қабул қилингандан кейин бир иш кунидан кечикмасдан Инспекция ариза берувчига ёки бундай ҳужжатни беришни рад этиш тўғрисида уни ёзма шаклда хабардор қилиши лозим.

29. Инспекция аризани кўриб чиқиш муддати мобайнида ариза берувчига рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бермаса ёки уни беришни рад этмаган тақдирда, ариза берувчи рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни олгандан кейин амалга оширишни кўзлаган геодезия ва (ёки) картография ишларини ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган муддат ўтгандан сўнг амалга ошириш ҳуқуқига эга, Инспекцияни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилган ҳолда.

Инспекция ариза берувчининг ёзма хабарномасини олган кундан бошлаб беш иш кунидан унга рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беришга мажбур. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор олингунга қадар қабул қилинган санаси кўрсатилган тақдим қилинган ҳужжатлар рўйхати ва ариза берувчи томонидан Инспекцияга йўлланган ёзма хабарнома рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга тенглаштирилади ва геодезия ва (ёки) картография ишларини амалга оширишга асос бўлади.

30. Ариза берувчи рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беришнинг рад этилганлиги ҳамда Инспекция мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

#### **5-боб. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни қайта расмийлаштириш, унинг дубликатини бериш**

31. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, юридик шахс ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш кунини ичида Инспекцияга рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

Янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида айна бир ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни бажариш ва (ёки) амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжати мавжуд юридик шахслари қўшиб

юборилган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг ушбу банднинг биринчи хатбошида белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилишига йўл қўйилади.

Ҳужжатлар Инспекцияга белгиланган тартибда улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилган тақдирда эса – Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида мавжуд тасдиқлашнинг белгиланган турлари орқали хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади.

32. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорнинг қайта расмийлаштирилишига қадар юридик шахс ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қабул қилинган санаси тўғрисидаги Инспекциянинг белгиси қўйилган рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги берилган ариза асосида геодезия ва (ёки) картография ишларини амалга оширади.

33. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорнинг қайта расмийлаштирилганда Инспекция берилган рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорлар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни қайта расмийлаштириш ва бериш тегишли ҳужжатлар илова қилиб уни қайта расмийлаштириш учун ариза олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни қайта расмийлаштириш учун йиғим олинмайди.

34. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор йўқотиб қўйилганда ёки яроқсиз бўлганда ариза берувчининг мурожаати бўйича унинг дубликати ариза олингандан бошлаб ҳамда яроқсиз бўлган ҳолларда рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорнинг оригинали олингандан кейин беш иш кунда берилади (юборилади).

Дубликат бериш учун йиғим олинмайди.

#### **6-боб. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш**

35. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг тегишли равишда 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган тартибда ва ҳолатларда амалга оширилади.

36. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини белгиланган тартибда тугатиш учун асос бўладиган рухсат бериш талаблари ва шартларининг кўпол бузилишини содир этишга қуйидагилар киради, ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно:

лицензиясиз геодезия ва (ёки) картография фаолияти;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ва маъмурий чегараларини картографик материалларда нотўғри кўрсатиш;

махфий картографик материаллар ва геодезик маълумотларни кўпайтириш ва бошқа ташкилотларга бериш тартибига амал қилмаслик;

аввал бажарилаган ишлар бўйича материаллар ва маълумотларнинг Давлат картография-геодезия фондида йиғилиши лозим бўлганларини ушбу ишлар тугагандан кейин уч ой ичида Инспекцияга тақдим этмаслик.

#### **7-боб. Рўйхатга олиш тўғрисида берилган қарорлар реестри**

37. Инспекция:

ушбу Низомнинг 7-иловасидаги шакл бўйича берилган рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорлар реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради;


рухсат бериш талаблари ва шартларини ҳамда рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни олиш учун зарур бўлган маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.

#### **8-боб. Яқунловчи қоида**

38. Мазкур Низомнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Геодезия ва картография ишларини  
рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш  
тартиби ҳақидаги низомга  
1-илова

Геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш  
СХЕМАСИ





Геодезия ва картография ишларини  
рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш  
тартиби ҳақидаги низомга  
2- илова

**Геодезия ва картография ишларини амалга оширишни  
рўйхатга олиш тўғрисида \_\_\_\_\_ - сон  
Қ А Р О Р**

Берилган: \_\_\_\_\_.

Объект номи: \_\_\_\_\_.

Ишларнинг мақсади: \_\_\_\_\_.

Участканинг жойлашуви: \_\_\_\_\_.

Буюртмачи: \_\_\_\_\_.

Ушбу объект бўйича тақдим қилинган техник лойихада (дастурда) лойиҳалаштирилаётган геодезия (картография) ишлари турлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ва объектда аввал амалга оширилган ишлар материаллари ва бошланғич маълумотлар тўлиқ ҳисобга олинган.

Рўйхатга олинди:

| т/р          | Геодезия (картография)<br>ишларининг номи | Рўйхатга олинган |                 |
|--------------|---|------------------|-----------------|
|              |   | ишлар<br>ҳажми   | смета<br>баҳоси |
| 1            |   |                  |                 |
| 2            |   |                  |                 |
| 3            |   |                  |                 |
| 4            |   |                  |                 |
|              |   |                  |                 |
| <b>Жами:</b> |   |                  |                 |

\_\_\_\_\_ (сўз билан) сўм миқдорида  
геодезия (картография) ишларини амалга ошириш рўйхатга олинди.

Ишларни амалга ошираётган ташкилот “Геодезия ва картография тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат картография-геодезия фондига йиғиладиган материаллар ва маълумотларни беришга мажбур.

Техни экспертизани амалга оширди: \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)  
20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси бошлиғи

\_\_\_\_\_ (имзо) (Ф.И.О.)  
М. ў. 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_.

Геодезия ва картография ишларини рўйхатга  
олиш тўғрисидаги қарорни бериш тартиби  
ҳақидаги низомга  
3- илова

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари,  
геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси  
хузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси  
БОШЛИҒИ \_\_\_\_\_ га  
(Ф.И.О.)

**Геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш  
тўғрисидаги қарорни бериш тўғрисида  
АРИЗА**

\_\_\_\_\_,  
(номланиши, ариза берувчининг ташкилий ҳуқуқий шакли)

\_\_\_\_\_ да жойлашган,  
(ариза берувчининг жойлашган жойи)

\_\_\_\_\_ амалга оширишга  
(ишларнинг йириклаштирилган турлари)

геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни беришингизни  
сўрайди.

Иловалар: \_\_\_\_\_  
(аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати)

\_\_\_\_\_  
(лавозими) (имзоси) (Ф.И.О.)

М.П.

Сана: 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(ариза берувчининг электрон манзили)

Геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш  
тўғрисидаги қарорни бериш тартиби ҳақидаги  
низомга 4- илова

**Геодезия ишларини амалга оширишга  
ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ**

Мен, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ объекти бўйича геодезия (топография геодезия) ишларини бажаришга тузилган техник лойиҳа (дастур)ни экспертиза қилдим.

Ўтказилган экспертиза бўйича қуйидагилар аниқланди:

Объект: \_\_\_\_\_  
Буюртмачи: \_\_\_\_\_  
Ижрочи: \_\_\_\_\_  
Геодезия ишларини бажариш учун асос: \_\_\_\_\_  
Смета баҳоси \_\_\_\_\_  
Молиялаштириш манбаи: \_\_\_\_\_  
Геодезия фаолиятини амалга ошириш учун лицензия борлиги тўғрисида маълумот \_\_\_\_\_  
Объектнинг маъмурий-худудий бўлиниш ва (ёки) топографик хариталари номенклатура варақлари бўйича жойлашган жойи \_\_\_\_\_  
Яратилаётган топографик тархнинг масштаби \_\_\_\_\_  
Ишнинг мақсади: \_\_\_\_\_  
Геодезия (топография геодезия) ишларининг турлари ва ҳажмлари: \_\_\_\_\_  
Координаталар ва баландликлар тизимлари: \_\_\_\_\_  
Лойиҳалаштирилаётган геодезия (топография-геодезия) ишларини амалга оширишда қўлланма сифатида ишлатиладиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг рўйхати \_\_\_\_\_  
Геодезия (топография-геодезия) ишларини амалга ошириш объекти худудининг геодезия ва картография жиҳатдан ўрганилганлиги тўғрисида маълумотлар \_\_\_\_\_  
Лойиҳалаштирилаётган геодезия (топография-геодезия) ишларини амалга ошириш технологияси \_\_\_\_\_  
Бажарилаётган геодезия (топография-геодезия) ишларини назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби \_\_\_\_\_  
Бажарилаётган геодезия (топография-геодезия) ишлари бўйича ҳисобот ва якуний ҳужжатлар рўйхати \_\_\_\_\_

**Хулоса:**

Тақдим қилинган техник лойиҳа (дастур) \_\_\_\_\_ тузилган.

**Тавсиялар:**

Тақдим қилинган техник лойиҳа (дастур) ушбу эксперт хулосасида кўрсатилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишланиши лозим.

Техник лойиҳа (дастур) тўғрилангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекциясига ушбу объектда лойиҳалаштирилаётган геодезия (топография-геодезия) ишларини рўйхатга олиш учун белгиланган тартибда юборилади.

Экспертизани ўтказди: \_\_\_\_\_  
(имзоси) (Ф.И.О.)  
20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ .

*Изоҳ. “Тавсиялар” қисми техник лойиҳа (дастур)да бартараф этилиши керак бўлган камчиликлар мавжуд бўлганда қўйилади.*

Геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш  
тўғрисидаги қарорни бериш тартиби ҳақидаги  
низомга 5-илова

**Картография ишларини амалга оширишга  
ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ**

Мен, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_  
объект бўйича картография ишларини бажаришга тузилган техник лойиҳа (дастур) экспертиза қилинди.

Ўтказилган экспертиза бўйича қуйидагилар аниқланди:

Объект: \_\_\_\_\_.  
Буюртмачи: \_\_\_\_\_.  
Ижрочи: \_\_\_\_\_.  
Картография ишларини бажариш учун асос: \_\_\_\_\_.  
Смета баҳоси \_\_\_\_\_.  
Молиялаштириш манбаи: \_\_\_\_\_.  
Картография фаолиятини амалга ошириш учун лицензия борлиги тўғрисида маълумот \_\_\_\_\_.  
Объектнинг жойлашган жойи \_\_\_\_\_.  
Ишнинг мақсади: \_\_\_\_\_.  
Картография ишларининг турлари ва ҳажмлари: \_\_\_\_\_.  
Координаталар ва баландликлар тизимлари: \_\_\_\_\_.  
Чиқариладиган картографик маҳсулотнинг грифи \_\_\_\_\_.  
Лойиҳалаштирилаётган картография ишларини амалга оширишда қўлланма сифатида ишлатиладиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг рўйхати \_\_\_\_\_.  
Объект ҳудудини картографик ва аэрокосмосъёмка материаллари билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотлар \_\_\_\_\_.  
\_\_\_\_\_ масштабда тузилаётган хариталарнинг мазмуни \_\_\_\_\_.  
\_\_\_\_\_ масштабда хариталарни тузиш бўйича лойиҳалаштирилаётган картография ишларини амалга ошириш технологияси \_\_\_\_\_.  
Космик суратларни планли боғлаш ва уларни фотограмметрик қайта ишлаш бўйича ишларни амалга ошириш технологияси тавсифи \_\_\_\_\_.  
Яратиладиган хариталарни тузиш усуллари \_\_\_\_\_.  
Яратиладиган рақамли хариталарни яратиш технологияси \_\_\_\_\_.  
Муҳаррир кузатуви тўғрисида маълумотлар \_\_\_\_\_.  
Картографик маҳсулотни назорат қилиш ҳамда “нашрга бериш” ва “истеъмолчига чиқариш” учун тасдиқлаш тартиби \_\_\_\_\_.  
Рақамли хариталарни кўпайтириш усули ва тартиби \_\_\_\_\_.  
Бажарилаётган картография ишлари бўйича ҳисобот ва якуний картографик материаллар рўйхати \_\_\_\_\_.

**Хулоса:**

Тақдим қилинган техник лойиҳа (дастур) \_\_\_\_\_ тузилган.

**Тавсиялар:**

Тақдим қилинган техник лойиҳа (дастур) ушбу эксперт хулосасида кўрсатилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишланиши лозим.

Техник лойиҳа (дастур) тўғрилангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекциясига ушбу объектда лойиҳалаштирилаётган картография ишларини рўйхатга олиш учун белгиланган тартибда юборилади.

Экспертизани ўтказди: \_\_\_\_\_  
(имзоси) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_.

*Изоҳ. “Тавсиялар” қисми техник лойиҳа (дастур)да бартараф этилиши керак бўлган камчиликлар мавжуд бўлганда қўшилади.*

Геодезия ва картография ишларини  
рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш  
тартиби ҳақидаги низомга  
6- илова

Рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш  
учун олинadиган йиғим  
МИҚДОРИ

| т/р | Кўрсаткичлар   | Геодезия ва картография ишларининг смета баҳосидан фоиз ставкалари |
|-----|--|--|
|     | Геодезия ва картография ишларини амалга оширишга техник лойиҳа (дастурлар) ни экспертиза қилиш, ишларнинг куйидаги смета баҳосида (сўм): |  |
| 1.  | энг кам ойлик иш ҳақининг ( кейинги ўринларда ЭКОИХ деб аталади) 40 бараваригача   | 3,64   |
| 2.  | ЭКОИХнинг 80 бараваригача  | 2,14   |
| 3.  | ЭКОИХнинг 200 бараваригача   | 1,18   |
| 4.  | ЭКОИХнинг 400 бараваригача   | 0,81   |
| 5.  | ЭКОИХнинг 800 бараваригача   | 0,56   |
| 6.  | ЭКОИХнинг 1200 бараваригача  | 0,52   |
| 7.  | ЭКОИХнинг 1600 бараваригача  | 0,43   |
| 8.  | ЭКОИХнинг 3200 бараваригача  | 0,37   |
| 9.  | ЭКОИХнинг 3200 бараваридан ортик   | 0,35   |



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “3” декабрдаги 977 -сон қарорига  
2- илова

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг тўртинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни берган ҳолда геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш»;

б) 7-банднинг тўртинчи хатбошидаги “назорат қилиш” сўзлари “экспертиза қилиш” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда) 1-илова (Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати)нинг “Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли орган” устуни 220-позициясидаги “Ер геодезикадастр” сўзи “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин *(Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига 1-илова рус тилидаги матнда берилган).*